

МАФКУРАВИЙ ТАҲДИД ВА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ

Н. Собиров, А. Акбаров, Д. Қамбарова

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро таъсир шиддат билан ривожланиб бормоқда, ундан четда туришнинг асло имкони йўқ. Бу ахборотлашган жамият ёки тўғридан-тўғри глобаллашув жараёнидир. Глобаллашув-турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасида ўзаро таъсир ва алоқаларнинг кескин кучайишидир. Р.Тагор бу жараённинг ижобий ва салбий томонларини қуйидагича ифодалаган: “Мен уйимнинг дераза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга очик эшик ва деразалардан кираётган ҳаво довул бўлиб, уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлашини ҳам истамайман”.

Албатта, бу фикрларни ҳақиқат ёки ягона йўл деб бўлмайди. Чунки, унинг ижобий томонларидан, ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, бу жараёнларни тўлиқ қамраб олиш қийинлиги сабабли ушбу мақолада унинг мафкуравий жараёнларга ёшларнинг дунёқараши, ижтимоий ҳаётига таъсирини қисқача кўриб чиқамиз.

Глобаллашув жараёнлари давлатлар ва халқлар ўртасида интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, капитал ва товарлар, ишчи кучинин эркин ҳаракати учун қулайлик вужудга келиши, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли кадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янги сифат касб этиши билан белгиланади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Глобаллашув-энг аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир”.

Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказётган таъсири ҳам турлича. Дунёда юз бераётган жараёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказётган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун бизга номаълум хусусиятларини ўрганишни тақозо этади.

Глобаллашув жараёни бир-биридан тубдан фарқ қиладиган икки йўналишда намоён бўлмоқда. Биринчидан, инсоният цивилизацияси тарихида эришган ҳар қандай моддий ва маънавий кадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб, байналминаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Иккинчидан, миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидан маҳдудлик, улар манфаатларидаги ўзига хосликни мутлоқлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажагига хавф туғдирадиган салбий ходисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда. Бу халқаро терроризм, экстремизм, фундаментализм ва наркобизнес ходисаларида намоён бўлмоқда.

Бу жараённинг энг муҳим хусусиятларидан бири турли мамлакатларни мафкуравий забт этиш мақсадининг ғоят катта иқтисодий манфаатлари билан чирмашиб кетганидир. Бу эса ғоявий-мафкуравий тайзиқ ва тажавузларнинг олдини олиш учун ҳар бир миллат, давлат ўзининг ғоявий-мафкуравий дахлсизлигини таъминлайдиган чора-тадбирларни кўриши зарурлигини тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, ёшларимиз, айниқса, талаба-ўқувчиларимизни носоғлом, бузғунчи ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Булар, “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонунда ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонлик, ҳаёсизлик ва шавқатсизликни тарғиб қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар тақиқланади. Шунингдек, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунларда беҳаёлик, шавқатсизлик ва зўравонлик ҳақида, инсон кадри-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи адабиётлар ва фильмларни тарқатишни чекловчи қатор нормалар мавжуд бўлиб, ушбу ҳолат бўйича жиноий ҳамда маъмурий жавобгарлик чоралари белгаланганлиги шулар жумласидандир.

Бугунги кунда ёшларнинг қобилият ва истеъдодларини намоён қила олишлари учун тўлиқ имкониятлар яратиш том маънода давлат сиёсатига айланди. Бунда ёшларни жисмоний бақувват, маънан баркамол, ақлан юксак, руҳан уйғоқ авлод қилиб тарбиялаш миллат ғояси сифатида илгари сурилиши, шу ғоянинг жуда муҳим функцияси, янги миллий ва маънавий ўзликни ҳимоялаш каби муҳим функцияси намоён бўлади. Бу эса ёшлар дунёқарашининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Талаба ёшларнинг машғулотлардан бўш вақтларини мазмунли ташкил этишлари, интернет орқали дунё ва илм янгиликларини эгаллаш, турли лойиҳа ва тадбирларда иштирок этишлари уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширади. Уларни Ватан меҳри билан уйғун бўлишга, Ватанга хизмат қилишга ундайди.

Шунингдек, ахборот олами, интернет хабарлари, ёшлар маънавиятига салбий таъсир этувчи мафкуравий таҳдидлардан ҳам холи эмас. Кўз ўнгимизга содир бўлаётган ҳар қандай ахборот, турли фото, видео тасвирлар, ёвузликни тарғиб этадиган ўйин, фильмлар, маълумотлар, Ватанимиз, халқимиз, маданиятимиз, ҳукуматимиз тўғрисида ҳар хил иғво-бўхтонлар ёзилган ахборотлар барчамизни жиддий ташвишга солиши ва хушёрликка чақириши керак.

Ана шундай мафкуравий таҳдидлар асосан ўқувчи-талаба ёшлар маънавий оламига қаратилган бўлиб, уни издан чиқаришни, минг йилар давомида шаклланган мафкуравий меросимизни йўқ қилишни, у орқали эса ёшларда мафкуравий қарашларини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ғоявий таъсир жараёнида ҳосил бўладиган бир-бирига зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимларга, маҳсаб ва секталар ўртасида келишмовчиликлар баъзан баҳс-мунозара доирасидан чиқиб, кескин тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлиши ҳар қандай давлат учун улкан таҳдид, катта хавф-ҳатардир.

Бугунги талаба ёшларимиз ижтимоий ҳаётда бир қатор фаолиятлари билан иштирок этишлари зарур. Мустаҳкам ҳаётий позиция, давлат ва жамият ишларида масъулият билан қатнашиш, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ташаббускор бўлиши, ён-атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил

муносабат билдира олиш, ҳар бир ишда бошқаларга ўрнаткич кўрсатиш ва уларни ўз фикрига ишонтириш, ҳақ-ҳуқуқларини билиши шулар жамласидандир.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирак, хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин, бугунги ёшларимизнинг замонавий ва аниқ таърифини бериш мумкин. Демак, ўз ҳақ-ҳуқуқини билладиган киши ўз кучига таяниб имкониятларини ишга солади. Иккинчидан, ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниган киши ўз юртида бўлаётган ва унинг атрофида кечаётган воқеаларни таҳлил қилишни ўрганади, оқ-қорани ажратиб, яхши нима, ёмон нима, ҳалол нима-ю ҳаром нима фарқига боради. Энг муҳими, мамлакат ва миллат, халқнинг манфаатини ҳимоя қила олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч“. Т.Маънавият, 2008. 110 б.
2. Собиров Н, Акбаров А., Глобаллашув ва ахборот хавфсизлиги масалалари. Устоз № 27. 2014 йил 25 июн.